



№39 (892)
2025 йил 6 май,
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKOR

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



f uzbyodkor t.me/uzbyodkor uzbyodkor info@uzbyodkor.uz uzbyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Ташрифдан кейинги ўйлар...



ХОРАЗМ

шонли тарихимиз билан янги ислоҳотларимиз туташган чорраҳа

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

Юртбошимизнинг вилоятларга ташрифини ўша ҳудуд учун тарих саҳифаларига муҳрланадиган ёрқин саҳифага қиёсласак, арзийди. Зеро, ҳар бир ташриф ортида миллионлаб инсонлар ҳаётини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар фаровонлиги таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам бўлади. Ўйлаймизки, Президентнинг Хоразмга уюштирган навбатдаги ташрифи ҳам ана шу ҳаётбахш мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, ҳар бир мақсад ва режа, ҳар бир ислоҳот одамлар ҳаётини яхшилашга, вилоятни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантиришга қаратилган. Бу галги ташриф давомида sanoat, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида ишга туширилган янги объектлар, йирик транспорт инфратузилмаси ва шаҳарсозлик лойиҳалари билан танишилди. Учрашувлар давомида юртбошимиз вилоятнинг мард ва танти элининг фидокорлигини, меҳнатқашлигини алоҳида эътироф этгани ҳам Хоразмга берилган юксак баҳо, бўлгани рост.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда юртбошимизнинг “Бугун сизлар билан Хоразмни янада ривожлантириб, унинг қадимий шухратини тиклаш бўйича қатта-қатта режа ва мақсадларни белгилаб олдик. Бу марраларга эришиш учун мард, олижаноб ва меҳнатқаш Хоразм элида куч ва имконият ҳам, хоҳиш ва ирода ҳам етарли. Ҳақиқатан ҳам шиддатли ўзгаришлар даврида қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиз, мақсадларимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Буюк тарихга, цивилизацияга, маданиятга эга бўлган Хоразм вилоятини ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг шон-шухратини



дунёга тараннум этиш учун биз битта эмас, ўнлаб йўллари излаяпмиз. Ишончим комил, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу вазифаларни албатта муваффақиятли адо этамиз” деган фикрлари ҳар бир хоразмлик қалбда фахр ва ифтихор, шу юртнинг бир бўлаги эканлигини ҳис қилишдек юксак туйғуларни уйғотди, десам муболага бўлмайди.

Яхшиси, ташриф таассуротларини хоразмликларнинг ўзларидан эшитсак.

Музаффар КАЛАНДАРОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.



– Хоразм вилояти бугунги кунга келиб қурилиш соҳасидаги энг замонавий ва ёрқин лойиҳаларнинг амалга ошиш нуктасига айланган. Биргина мисол, жорий йилнинг январь-март ойларидан вилоятда қу-

рилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати – 110,4 фоизга етган. Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида вилоятдаги энг йирик иккита лойиҳа билан танишди. Булардан биринчиси, “Ал-Хоразмий” шаҳарчасини барпо этиш жараёнидир. Ҳозирги вақтда мажмуада ишлар сифатли тарзда олиб бориляпти. Мажмуада Абу Абдулла Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳайкали ўрнатилиб, шу номдаги хибон ҳам ташкил этилади.

2022 йил август ойида давлатимиз раҳбари ушбу шаҳарча пойдеворида тамал тоши қўйган эди. Утган кичик муддат ичида муҳандислик тармоқлари тортилиб, қурувчиларнинг сай-ҳаракати билан бу ерда 1 минг 773 та хонадонли 72 та қўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда яна мингта хонадонли 28 та турар жой қурилиши якунланиши мўлжалланган. 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд этилаётган шаҳарча Урганч халқаро аэропорти яқинида жойлашган бўлиб, унинг марказида Хоразмий бобомизнинг ҳайкали ўрнатилиши шаҳар кўркига-кўрк қўшиши шубҳасиз. Ҳайкал шаҳарча ҳудудидаги 20 гектарлик боғнинг кириш қисмида ўрнатилади. Унинг баландлиги 22 метр, пойдевори билан бирга 30 метрдан зиёд бўлади.

Давлатимиз раҳбари ташрифининг биринчи кунини танишган яна бир қурилиш объекти бу – “Арда Хива” туризм мажмуаси бўлди. Бугунги кунда Урганч шаҳридан Хива шаҳрига йўлга чиқсангиз, музей шаҳарга тўрт-беш километр қолмасдан, йўлнинг ўнг томонидан гўзал бир шаҳарча қад ростлаганига кўзингиз тушади. Тарих ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган “Арда Хива” туризм комплекси кичик муддатда маҳоратли қурувчилар томонидан яратилган туризм соҳасининг яна бир ёрқин лойиҳасига айланди. Мазкур мажмуанинг қурилиши ўз навбатида, кичик муддатда воҳанинг ташриф қозогози яна биттага кўпайишига сабаб бўлгани барчамизни қувонтирмақда.

Қисқа сатрларда

“Бой маҳалла” намунали манзиллардан бирига айланмоқда

Избоскан туманидаги “Бой маҳалла” МФЙда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга доир қурилиш ишларига киришилди.

– Маҳалламизнинг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 44 фоизни ташкил этарди, – деди меҳнат фахрийси Йўлдошмирза Исоқжонов. – Бошланган бунёдкорлик ишларидан кейин бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил этади. Маҳалладаги мавжуд 506 та хонадоннинг ҳар бирига қувур олиб кирилиб, сув ҳисоблаш ускуналари ҳам ўрнатиляпти. Мутахассислар-

нинг айтишича, ушбу мослама нафақат сувини, балки фойдаланилган ичимлик суви учун тўловни ҳам ўртача 4-5 баробарга иқтисод қилар экан. Амалга оширилаётган ишлардан ниҳоятда хурсандимиз! Айни пайтда ҳудудда 3,5 километрга тармоқ тортиш, янги сув қудуғини ўрнатиш ва мавжуд қудуғини таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Қўшимча бино қуриляпти

Косонсой туманидаги Гузар маҳалласида жойлашган 1-сонли мактабгача таълим ташкилотига боғча ёшидаги болалар сони йилдан йилга ортиб, янги бинога эҳтиёж туғилди.



Таълим муассасаси жамоаси ҳамда маҳалла аҳли фаоллиги ҳисобига “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ қўлга киритилиб, ҳозирда 100 ўринли қўшимча бино қуриломоқда.

МикроГЭС фойдаланишга топширилди

Зангиота туманида аҳолини қарқорол электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилувчи микроГЭС фойдаланишга топширилди.

Дамариқ каналида қурилган ушбу ГЭСнинг умумий қуввати 640 киловаттни ташкил этади. Иншоот йилга 3 миллион киловатт соатга эколоогик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Бу билан 300 га яқин аҳоли истеъмолга тенг электр энергия ишлаб чиқарилади. Жорий йил охиригача жойларда яна 64 та шундай ГЭСни ишга тушириш режалаштирилган. Ўз мухбирларимиз.

1-бет

ХОРАЗМ шонли тарихимиз билан янги ислохотларимиз туташган чорраҳа



Зайнаб АБДУЛЛАЕВА,
“Мирзабоши” оилавий корхонаси раҳбари.

– Бир пайтлар кўрмисиз ҳолатга келиб қолган Хивага фақат у ернинг тарихини биладиган кам сонли одамларгина ташриф бурарди. Шунинг учун ўзимизнинг уйимизда 2 хонада меҳмонхона, кичкина айвончада овқатланиш шохобчаси ташкил қилган эдик. Бугунги кунда Президентимизнинг Хоразмга, Хивага алоҳида меҳри натижасида келадиган меҳмонлар ва туристларнинг сони шунчалик ошиб кетдики, қўлимиз қўлимизга тегамай қолди. Шу сабабли, фаолиятимизни кенгайтириб, овқатланиш шохобчасини 150 ўринга, меҳмонхонамизни 25 ўринга кўпайтирдик.

Яқинда 1,3 миллиард сўм маблағ асосида “Арда Хива” туризм комплексининг барпо этилгани эса вилоятда туризм соҳасини янада гуллаб-яшнашига хизмат қилиши аниқ. Биз бир пайтлар Самарқандга ҳавас қилгандик, энди бизга ҳамма ҳавас қилапти. Хивага вокзал қуриб берилди. Биз доим Хивага ҳам кимдир эътибор қаратармикан деб оруз қилардик. Мана, орузимиз ушалди. Энди бизга тезорар поезд ҳам келяпти. Илгари Хоразмга 16 соатда келадиган поезд энди 7 соатда етиб келишининг ўзи мўъжиза эмасми, ахир. Хоразмлик фаоллар билан учрашувда Президентимиз айтганидек, 2017 йили юртимизга 1,4 миллион турист келган бўлса, 360 мингтаси Хоразмга келган. 2024 йилда 5 миллион турист келган бўлса, шундан 1,1 миллиони хорижлик сайёҳлардир. Бу нима дегани? Бу – халқимиз фаровонлиги ошаётганидан далolat.

Бугун Хоразм халқи юқори кайфиятда. Ҳатто туристлар ҳам кайфиятимизни сезиб, “Нега бунча хурсандсизлар?” деб сўраяпти. Ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳамма имкониятлар яратилган бўлса, биз хурсанд бўлмай ким хурсанд бўлсин?!



Рашид РЎЗИБАЕВ,
Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали директори.

– 36 йиллик меҳнат фаолиятимнинг 33 йили тиббий таълим жараёнида кечди. Шунинг учун олдинги ва ҳозирги соғлиқни сақлаш, тиббий таълим жараёнини солиштира оламан. ТТА УФга Урганч давлат тиббиёт институти мақоми берилганидан нафақат вилоятимиз аҳли, балки институт жамоаси ва шаҳсан ўзим ҳам жуда қувондим. Вилоятда 2016 йилгача бор-йўғи 3 та ОТМ бор эди. Биттаси университет ва иккитаси филиал. Талабалар қамрови бугунги кунга келиб 10 мингдан 61 минг нафарга ошди.

Яратилаётган шароит ва имкониятларга нисбатан бизнинг жавобимиз қандай бўлиши керак?

Олий таълим соҳасида яратилаётган шароитлар 3-ренессанснинг пойдевори бўлиши керак. Сабаби, ўрта асрлар, биринчи ренессанс даврида бекорга Маъмур академиясига Беруний, Ибн Сино, ва бошқа олимлар йиғилмаган. Уларнинг яшashi, ишлаши ва фанни ривожлантириши учун шароит бўлган. Худди шундай шароит бугун бизга ҳам яратиб бериляпти. Демак, бунинг натижаси албатта, бўлиши керак. 2030 йилгача Ўзбекистонни олий таълим олиш бўйича НУВга айлантиришни мақсад қилаёмиз. Бунинг учун филиалимизда барча имкониятлар мавжуд.



Давлатназар РАЖАБОВ,
Ўзбек-Туркман дўстлиги уйи раҳбари.

– Президентимиз давлат раҳбари сифатида иш бошлаган кундан буён жуда кўп соҳаларни ўз ғоялари билан ривожлантиришга киришди. Шулар қаторида миллатлараро масалалар ҳам эътибордан четда қолмади. 130 дан ортиқ миллат ва элатни бирлаштирган мамлакатимиз фуқароларига жуда кўплаб шароитлар жуда кўплаб шароитлар четда қолмади. 130 дан ортиқ миллат ва элатни бирлаштирган мамлакатимиз фуқароларига жуда кўплаб шароитлар жуда кўплаб шароитлар четда қолмади.

яратилмоқда. Айниқса, туркман миллатига жуда катта хурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Бугунги кунда Хоразмда 5 та миллат вакилларининг идоралари бор. Авваллари ҳар қайси миллат вакиллари алоҳида хуудларда эдик. Бугун ҳамма бир жойда, бекаму кўст фаолият юритмоқда.

Туркман маҳалласида Ўзбек-Туркман дўстлиги уйининг барпо этилганлиги ва 300 йиллик бобомеросимиз – Ули ховлининг қайта тикланганлиги икки миллат дўстлигининг ёрқин намунасидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, энди Хоразмда туризм янада ривожланди. Юртбошимиз бежизга “Бизнинг Ўзбекистондаги миллатларнинг тинчлиги, ҳамжихатлиги, дўстлиги бизнинг беағимиздир” деган. Биз бу ишончдан илҳом олиб, шу дўстликни янада мустаҳкамлашга, янада жипслаштишга ўз хиссамизни қўшяёмиз. Утган йилги сайловлар якуни бўйича Гулдона Холдурдиева Туркман марказимизнинг Тошкентдаги вакили Олий кенгашига, Хоразмдаги Ўзбек-Туркман дўстлиги жамиятининг ўринбосари Шарофат Гурбонсеидова вилоят кенгашига депутат бўлди. Туркман мактабининг директори Дилдора Худайберганова туман кенгашига депутат этиб сайланди. Бир эл учун бундан ортиқ хурмат, бундан ортиқ ишонч йўқ.

Пенсияга чиққанымдан сўнг туризм соҳасида фаолият юритишни бошладим. Ули ховли қайта тикланиб, Ўзбек-Туркман дўстлиги мустаҳкамланди. Ота-боларимиз меҳнатини тиклаб бергани учун юртбошимиздан миннатдоримиз. Бугун бу ерда 20 дан ортиқ инсон иш билан таъминланган. Бугун дунёдан келган туристларга биз Ўзбек-Туркман дўстлигини кўрсатяёмиз.



Рейимбой ШЕРЖАНОВ, меҳнат фахрийси.

эсга солади. Ҳа, бу давр аввалгиларга ўхшамайди! Бу Президентнинг: “Авалло инсон, кейин жамият ва давлат!” тамойилларининг шарофатидир.

Бугун Хоразмнинг шафти баянда! Чунки ялпи маҳсулот 51 триллион сўмдан ошди. Хорижий инвестиция 102 фоизга бажарилди. 252 та чет эл сармоси иштирокидаги корхона очилди. 17 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Экспорт ҳажми 420 миллион долларга етди. Хоразм маҳсулотлари дунё бозорларини забт этмоқда. Янги тарих яратилмоқда! Мана, Шовотда “Ўзбекистон – Туркманистон” эркин савдо зонаси очилляпти. Энди Хоразмга ризқ ва барака тошиб келади. Буни кадрлаш ва улардан тўлиқ фойдаланиш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир! Ишсизлар – ишли, уйсизлар – уйли бўляпти. Бир мисол айтмай. Кишлоғимизда бир синглимиз ишсиз, 2 боласи билан ижарама-ижара қийналиб яшарди. Биз унга тасалли берардик. Кеча кўриб қолдим. Юраги тўлиб, “Темир дафтардан чиқдим, ишга кирдим. Болам хусусий боғчада бепул тарбияланыпти. Менинг отам ўлманган экан. Юртбошига раҳмат!”, деб йиғлаб дуо қилди. Бу дуо – халқнинг дуоси, миннатдорлик садоси! Чунки бугун Хоразмда ишсизлик 6 фоиздан 5 фоизга, камбағаллик 14 фоиздан 11,9 фоизга камайди. Қиёслар ҳақиқатни сўзлайди. Илгари 100 нафар ешдан 10 нафари олий таълимга эга бўларди, бугун 100 тадан 60 таси бу бахтга муяссар. 100 боладан 83 таси боғчага боряпти.

Сўзимни буюк бобомиз, Паҳлавон Маҳмуднинг рубойиси билан якунласам: Улуғлик истасанг, бўл эл гадоси, ўзингни унут, бўл эл ошноси. Эл тож каби бошга кўтарсин, десанг, Эл қўлин тутгину, ҳам бўл хоки поси.

Ҳа, булар шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Булар юртдошларимизнинг қалб қўридан чиққан самимий сўзлар. Уйлаймизми, бу галги ташриф ҳам хоразмликларга янгича руҳ, мадад ва ишонч беради. Энди кўҳна заминимиз янада гуллаб-яшнайдми, халқимиз фаровонлиги ортиб, худуд кўркем қиёфага киришда давом этаверади...



Вазирлик ва тизим ташкилотларида

Россиянинг Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган “Domchlichk Digital Day 2025” халқаро форумида Ўзбекистон қурувчилари ассоциацияси вакиллари ҳам иштирок этишди.



Нуфузли тадбирда “Замонавий Тошкент: қурилишдаги технологиялар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари” мавзусида тақдирот ўтказилди. Хусусан, иштирокчилар этиборига пойтахт қурилиши ва индустриясининг жадал ривожланиши, шунингдек, инвесторлар учун яратилаётган янги имкониятлар ҳавола этилди. Ассоциация халқаро алоқаларни ривожлантириш ва жаҳоннинг бу борадаги илғор тажрибасини Ўзбекистон кўчмас мулк бозорига татбиқ этишда турли лойиҳаларни жадал амалга ошириб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 декабрдаги “Кўп қаватли уйлари бошқарши органларининг электрон реестрини юритиш бўйича маъмурий регламтни тасдиқлаш тўғрисида”ги 853-сонли қарори юзасидан Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ўқув семинари ташкил этилди.



Унда вазирликнинг Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бошлиғи Обиджон Мўминов бошчилигида худудлардаги вилоят бошқармаларининг тегишли масъуллари билан қарор мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Давлатробот туманида назорат тадбири ўтказилди.



Тадбир давомида тумanning Юксалиш маҳалласи худудида “Vostok trade invest” МЧЖ томонидан инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан кўп қаватли турар жой биноси қуриляётгани аниқланди. Ташкилот мутасаддиларига Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги 110-сонли

қарорида белгиланган талаб бўйича жорий йил 1 июлига қадар камчиликларни бартараф этган ҳолда меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, объектни инспекциядан рўйхатдан ўтказиши бўйича кўрсатма берилди ва ушбу талаблар бажарилгунга қадар қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилди.



Хўжаобод туманида Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Фазлидин Алижонов томонидан навбатдоғ сайёр қабул ўтказилди.

Унда аҳолининг соҳага оид муаммолари ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатлари батафсил ўрганилди. Вилоятнинг турли худудларидан келган фуқаролар ва тадбиркорларга мурожаатлари юзасидан ҳуқуқий

тушунчалар берилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди. Айрим масалалар эса жойига чиқиб ўрганилди ва уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

Сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳаммамизнинг бурчимиз



Нодиржон МАКСУМОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Бугун сув ресурсларини оқилона бошқариш масаласи бутун дунё бўйлаб долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Аҳолининг ичимлик суви билан барқарор таъминланиши, ер ости сувларининг муҳофазаси, уларни эксплуатация қилишдаги тартиб-интизом – булар давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

тартиб-интизом – булар давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.



Бу жараёнда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бевосита иштирок этаётган муҳим тузилма ҳисобланади. Мазкур инспекция назорат, мониторинг, ҳуқуқий тартибга солиш орқали мамлакатимиз сув хавфсизлигини таъминлашда асосий бўғинлардан биридир. Айниқса, ер ости ичимлик сувлари каби тикланиши қийин бўлган табиий бойликлари бошқариш масаласи долзарб ва аҳамиятлидир. Сув – ҳаёт манбаи, лекин уни тўғри бошқариш, назорат қилиш зарур.

Айнан шу жиҳатдан инспекция юртимиздаги ҳар бир қишлоқ, шаҳар ва қорхоналарни сифатли ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Сувнинг тозаллиги, ундан оқилона фойдаланиш нафақат турмуш даражасига, балки экологик барқарорликка ҳам бевосита таъсир қилади. Бу жараёнда инспекция халқимизга муносиб хизмат кўрсатиб, тизимда тартибни сақлашга ёрдам бермоқда. Хусусан, 2025 йилнинг биринчи чорагида инспекция томонидан 54 та ер ости ичимлик сув кудуги ўрганилиб, 123 та қонунбузарлик аниқлангани тизимдаги ишларнинг самарали ташкил қилинганидан дарак беради.

Тизимда энг кўп учраётган ҳолатлар сифатида рўқсатсиз бургулаш, ҳужжатларсиз эксплуатация қилиш, техник паспортларнинг йўқлигини айтиш мумкин. Айни пайтда инспекция томонидан буларнинг бари аниқ рақамлар асосида кўриб чиқилмоқда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни бошқариш борасида олиб борилаётган назорат тадбирлари жамиятнинг соғлом ҳамда барқарор ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистон бўйлаб олиб борилган ўрганишлар натижасида сув кудукларининг ҳолати, санитария-муҳофаза зоналарининг талабга жавоб бериши, сувни зарарсизлантириш тизимлари ва бошқа муҳим жиҳатлар доимий равишда текшириб келинмоқда.

Шу боис, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларда айна шу масала – сувни тежаш, ноқонуний қазиларга чек қўйиш ва мавжуд кудукларнинг ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРСА...

2025 йилнинг биринчи чорагида инспекция томонидан ўрганиш ишлари олиб борилган 54 та ер ости ичимлик сув 123 та камчилик аниқланди. Хусусан, 39 та ҳолатда ер ости сувларини қазитиш ишлари мутасадди орган-

лардан рўқсатномасиз олиб борилган, 36 та ҳолатда эса гидрогеологик хулоса олинмасдан бургулаш ишлари бошланган бўлса, 48 та кудуққа техник паспорт расмийлаштирилмаган.

Шунингдек, ўрганишлар давомида ақсарият кудуқлар техник жиҳатдан ёки ҳуқуқий тартибда фойдаланишга тайёр эмаслиги аён бўлди. Энг кўп қонунбузарликлар Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида қайд этилди. Бу эса шунга кўрсатадики, сувдан фойдаланиш маданияти, хусусан, ер ости сувларидан фойдаланишда қонунийлик ҳали ҳам талаб даражасида эмас.

Булардан ташқари, мавжуд сув инфратузилмасининг техник ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, 442 та ичимлик сув кудуги ўрганилганда, 148 та кудуқнинг сувдан фойдаланиш учун рўқсатномаси йўқлиги, 146 та кудуқда дезинфекция ускуналари мавжуд эмаслиги, 198 та кудуқда техник паспорт мавжуд эмаслиги ҳамда 300 та кудуқда сув ҳисоблагич йўқлиги аниқланди. 115 та кудуқда сув сатҳи пайсайгани қайд этилди. Айни пайтда 53 та кудуқ таъмирталаб ҳолатда бўлса, 20 таси бутунлай яроқсиз, деб топилган.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун "Ўзсўвтаъминот" АЖ ва бошқа масъул ташкилотларга аниқ кўрсатмалар берилди. Аммо бу фақат бошланиши. Сувдан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш биргина давлатнинг эмас, балки ҳар биримизнинг бурчимиз. Оқилона бошқарув келажакка сармоя ҳисобланади. Бугун назорат остига олинаётган ҳар бир кудуқ, тўғри ишлаётган ҳар бир ҳисоблагич, ҳужжатли расмийлаштирилган ҳар бир объект келгусида сув танқислигининг олдини олишни муҳим жиҳатдир.

Шу ўринда, келгуси йилларда бу тизимни янада мустаҳкамлаш, хусусан, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш ва инспекция ходимларининг малакасини ошириш зарур. Шунингдек, жамоатчиликни сув ресурсларини тежашга, тўғри бошқаришга ва экологик мувозанатни сақлашга кенгроқ жалб этиш керак. Нафақат давлат, балки ҳар бир фуқаронинг бу борадаги масъулияти ҳам ошиши лозим.

Бундай ёндашув орқали Ўзбекистон учун сув ресурсларини оқилона бошқариш масаласи экологик хавфсизлик, ижтимоий фаровонлик ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилга айланади. Инспекция томонидан амалга оширилаётган самарали мониторинг, назорат ва чора-тадбирлар, шу билан бирга, давлат сиёсатининг тўғри йўналиши орқали, биз келажакда тоза ва барқарор сув таъминоти тизимини яратишга эришишимиз мумкин.



Tashkent BUILD PRO EXPO 2025

МИНТАҚАНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ҚУРИЛИШ АНЖУМАНИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2025 йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида "Build Pro Expo 2025" Халқаро қурилиш форуми бўлиб ўтди. Тадбир "SOF EXPO" ва "Biz Network" ҳамкорлигида ташкил этилиб, минтақанинг энг нуфузли қурилиш анжумани сифатида эътироф этилди.

"Build Pro Expo 2025"да қурилиш саноатининг илғор вакиллари – архитекторлар, лойиҳа муҳандислари, қурилиш материаллари ва технологиялари ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар иштирок этишди. Тадбир давомида иштирокчилар соҳадаги энг янги тенденциялар, инновацион ечимлар ва истиқболли бизнес стратегиялари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Қўрама доирасида замонавий қурилиш материаллари ва технологияларининг кенг қўламли намойиши, кўчмас мулк ярмаркаси ҳамда қурилиш индустриясини ривожлантириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бизнес-форум ўтказилди. Форумда 100 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашди. Қурилиш соҳасининг етакчи компаниялари томонидан 10 мингдан ортиқ илғор технологиялар, ускуналар ва материаллар тақдим этилди. Замонавий қурилиш материаллари, архитектура ва лойиҳалаш, муҳандислик тизимлари, энергиясамарадорлик, ички ва ташқи дизайн, ақли технологиялар ва автоматлаштириш, шунингдек, экологик ва барқарор қурилиш йўналишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида 20 дан ортиқ соҳа эксперти ўзининг аналитик ҳисоботлари билан қатнашиб, долзарб масалалар юзасидан жонли мунозаралар ўтказилди. Хусусан, халқаро эколог Темур Аҳмедов, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ректори Chidem Turkiylmaz, TatalAB вакили Тахмина Турдалиева, AKFA Group компаниясининг стратегик етакчиси Лола Грибова ҳамда "UYSOT" раҳбари

Шаҳобиддин Исломобеков ўз нутқлари орқали тажриба ва фикрлари билан бўлишишди.

Қўрама доирасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги апарат раҳбари Восит Имомов ҳам сўзга чиқиб, соҳадаги жадал ўзгаришлар ҳақида тўхтади:

– Бугунги кунда қурилиш соҳаси давлат сиёсати даражасида қўлаб-қувватланмоқда. Фақат 2024 йилда 59 та шаҳар ва шаҳарча ҳамда 94 та қишлоқ аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. 2025 йилда эса бу рақам 161 тага етказилиши режалаштирилган. Сўнгги уч йилда эса 221 мингдан ортиқ хонадондан иборат 4 920 та кўп квартирли уй фойдаланишга топширилди. Қолаверса, соҳада "Shaffof qilish" миллий ахборот тизими асосида бугунга келиб рейтинг, тендер ҳамда "Қурилишда давлат назорати" каби 20 дан ортиқ электрон платформалар ишга туширилди. Буларнинг натижасида қурилиш-бунёдкорлик соҳаси янада жадал ривожланишда давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "BUILD PRO EXPO 2025" Марказий Осиё қурилиш дунёси учун ҳақиқий майдонга айланди. Ушбу қўрама Тошкентнинг фақат катта шартномалар учун эмас, балки инновациялар, ғоялар ва давлат ҳамда бизнес ўртасидаги мулоқот маркази эканлигини ҳам яна бир бор исботлади. Қолаверса, форум иштирокчиларга бозорни кенгайтириш, янги ҳамкорларни топшиш ва халқаро компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

80 гектардан ортиқ ер майдони табиатга қайтарилди

Чиқиндихоналар давлат тасарруфига берилгач, уларга эътибор, муносабат ва бошқарув ҳам тубдан ўзгарди. Эгасиз ва қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, кўз ўнгимиздаги салбий манзарадаги чиқиндихоналар энди тартибга кирапти.

Президентнинг 2023 йил 31 майдаги 171-сонли қарорига асосан, "Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси" давлат муассасаси ташкил этилиб, чиқинди полигонлари бошқарувини тизимлаштириш, модернизация қилиш ҳамда оптималлаштириш вазифаси юклатилган эди. Ҳозирда чиқиндихоналарда атмосферага чиқарилаётган ташланмаларни мониторинг қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича сув хавзаси, санитар бурчаклар, қоровулхона, ҳожатхона ҳамда сув кудуқлари, дизельер қурilmаси барпо этилиб, узлуқсиз электр ва ичимлик суви таъминоти эътибор қаратилаяпти.

Жумладан, Экология вазирлиги Чиқиндиларни бошқариш ва сирқулар иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Чиқинди полигонларини



бошқариш дирекцияси томонидан полигонлардаги 300 га яқин махсус техникага замонавий GPS назорат тизими ўрнатилган. Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қўшимча 78 та махсус техника харид қилиниб, худудларга тарқатилган. Ҳозирда жами 184 та маиший чиқинди полигонидан 39 таси тартибга келтирилиб, ўртача 70-80 см тупроқ қатлами билан ёпилди ҳамда аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит ва экологияга салбий таъсирга чек қўйилиб, ерлар табиатга қайтарилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкент, Наманган, Андижон, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги жами 14 та туманда жойлашган қаттиқ маиший чиқинди полигонларида суриш, зичлаш, текислаш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, манзилли дастур асосида 37 та чиқинди полигони автотарози ва кузатув камералари билан жиҳозланмоқда.

Шунингдек, 2025 йил давомида 18 та чиқинди полигонини рекултивация қилиб, тупроқ қатлами билан ёпиш мақсад қилинган. Булардан ташқари, "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида республика бўйича 2024 йилда 123 та чиқинди полигони атрофида 461,0 минг туп ҳамда 2025 йил баҳор мавсумида 130 та чиқинди полигони атрофида 367,7 минг туп терак, тут, қайрағоч, саксувал, тол ва бошқа турдаги дарахт кўчатлари экилиб, "яшил белбоғ"лар ташкил этилди.

Келгусида 970 гектар ер майдонини рекултивация қилиб, табиатга қайтариш, йилига 58,5 млн тонна газ сизиб чиқиши ҳамда ёнғин хавфини олдини олиш, сизот сувларининг атмосфера хавосига салбий таъсирини ўртача 78 фоизга камайтириш, 116 та шаҳар ва туманларда соҳадаги ҳолатни тўлиқ яхшилашга эришиш режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ПУЛЛИК АВТОМАГИСТРАЛЛАР қандай ташкил қилинади?

Ҳамма нарса пуллик бўлган бугунги шиддатли замонда йўллар учун ҳам тўлов қилиш ҳеч қимми ажаблангирмас керак. Зеро, йўлларнинг қурилиши ва таъмирлини ҳам катта маблағ талаб қилади. Пуллик йўллар (ёки автомобиль йўллари учун тўлов тизими) бу масалани ҳал қилишга ёрдам берадиган энг муҳим воситалардан бири сифатида дунёда кенг қўлланилмоқда.

Аслида пуллик йўллар – айланма йўл сифатида ҳам танилган бўлиб, ўтиш учун тўлов амалга ошириладиган давлат ёки хусусий йўллари. Бу, одатда йўл қурилиши ва таъмирлаш харажатларини қоплашга йўналтириладиган маблагнинг бир шакли саналади. Пуллик йўллар анча йиллардан буён, аниқроғи, антик даврдан бери мавжуд бўлиб, пиеда, вагон ёки отда ўтаётган саяхатчилардан йиғим талаб қилинган. Қурилишга кетган харажатларни оқлаш учун йўллардан фойдаланиш пуллик бўлган. Тўлов пунктларда автомагистрал ходимлар махсус униформалар кийиб, ҳайдовчиларга чек бериб кутиб олган. Бундай қоида 1846 йилгача амал қилган.

1920 йилларда Германияда тезкор автомагистрал йўлларни лойиҳалаш бўйича бир нечта жамиятлар ташкил этилган. 1929-1932 йилларда Германиядаги “Келн-Борн” шаҳарлари оралигидаги энг биринчи тезкор автомобиль йўлининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Уша даврда “KyoIn-fyusseldorf” йўли ва Келн шаҳри атрофидаги халқа йўли қурилиши бошланган. Бу янги йўлларда 130 км/ соат тезлик билан ҳаракатланиш имконияти мавжуд эди.

Пуллик йўлларда тўлов миқдори одатда транспорт воситасининг турига, оғирлигига ёки ўқлар сонига қараб ўзгаради. Масалан, юк машина эгалари енгил автомашиналарга қараганда юқорироқ тўловларни амалга оширилади. Пуллик йўллар одатда махсус тўлов пунктлари орқали мониторинг қилинади ва автоматик ёки нақд амалга оширилади. Фойдаланувчилардан тушган маблағлар йўлни яхшилашга сарфланади ҳамда шу орқали транспорт воситалари учун янада хавфсиз ва қулай шароит яратилади.

Пуллик тизим орқали тўпланган маблағлар давлатнинг молиявий барқарорлигини ошириши ва умуман, мамлакат иқтисодига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, бундай йўллар транспорт тизимининг самардорлигини оширишга ҳам ёрдам беради. Янги технологияларни (масалан, автоматик тўлов тизимлари, рақамли мониторинг, ва ҳоказо) қўллаш орқали транспорт оқими бошқариш, тирбандликларни камайтириш ва йўлни тезроқ таъмирлаш имкониятлари пайдо бўлади.

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Бангладешда – бешта пуллик кўприк ва тўртта пуллик йўл бор. Бу ерда йўллар ва кўприклар давлат томонидан қурилади. Йўллар ва кўприкларни қургандан сўнг, ҳукумат тўлов эвазига беш йилга фойдаланиш ва бошқариш шартномасини бериш учун тендер таклифини эълон қилади. Тендерда ютиб олган ташкилот йўллар ва кўприкларга хизмат кўрсатади ва ҳукумат номидан бож йиғади. Бангладешда интенсивлиги юқори бўлган кўприкнинг узунлиги 4,8 км бўлиб, мамлакатнинг энг узун кўприги ҳисобланади ҳамда пуллик тарифи бошқаларга нисбатан жуда юқори. Бу кўприкдан ўтиш учун ўртача 40 АҚШ долларида пул тўланади.

Индонезияда – 1978 йилда биринчи пуллик йўл фойдаланишга топширилган. Бу пойтахт Жакартани қўшни Богор ва Киави шаҳарлари билан боғлайди. Ушандан бери Индонезияда пуллик йўл тизимининг узунлиги ва фойдаланиш имконияти кескин ўсди. 2024 йилда унинг узунлиги 2893,02 километр эди. 2017 йилдан буён Индонезиядаги

барча пуллик пунктларда тўлов фақат карталар орқали электрон тарзда амалга оширилади.

Исроилда – Кросс-Исроил автомагистрал ному билан танилган йўл ягона электрон пуллик автомобиль йўли ҳисобланади. Ушбу магистрал йўлнинг узунлиги 110 километр. Бу кўрсаткич келгуси бир неча йил ичида ўсиб келмоқда. Магистралда автомашиналарни автоматик тарзда тўловни амалга ошириши учун камералар ва транспондерлар тизимидан фойдаланилади.

Японияда – экспресс йўлларининг катта қисми пуллик йўллардан иборат. Йўл ҳақини тўлаш нақд пулда битта чиқишда ёки электрон тўлов картаси тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Малайзияда – пуллик йўллар мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги 1400 километрдан ортиқ. Шимолдан Таиланд чегарасига, ғарбдан Кланг ва Пулау Индага, шарқдан Куантанага қадар қўзилган мамлакатнинг кўплаб экспресс йўллари пуллик ҳисобланади.

Марокашда – пуллик йўллар ёки автомагистралнинг кенг тизими мавжуд. Уларнинг аксарияти яқинда қурилган ва Касабланга билан Марокашнинг Марракеш, Рабат ва Танжер каби барча йирик шаҳарларини боғлайди. Махсус оператор тармоқни ҳар бир фойдаланиш учун тўлов асосида бошқаради. Унинг узунлиги бўйлаб пуллик станциялар жойлашган. Мақсад – шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга мамлакатни кесиб ўтишни йўқотишдир. Иккала ўқ ҳам Пан-Африка асосий алоқаларининг муҳим бўлимлари ҳисобланади.

Хорватияда – бешта автомобиль тоифаси мавжуд бўлиб, улар вази, баландлиги, ўқлар сони ва тиркама бириктирилиши билан фарқланади.

Ёпиқ ёки очик пуллик тизими жорий қилинган автомобиль йўлидан фойдаланганлик учун тўлов транспорт воситаси ўтадиган икки тўлов пункти орасидаги масофага, транспорт воситаси жойлаштирилган транспорт воситалари гуруҳига ва ҳар бир километр учун бирлик нархига қараб ҳисоблаб чиқилади. Автомобиль йўлининг бир километри, яъни, автомобиль йўлининг алоҳида участкалари учун бирлик нархи қурилиш харажатлари, техник хизмат кўрсатиш харажатлари, бошқарув харажатлари ва автомобиль йўллари ҳамда пуллик йўл объектларини ривожлантириш харажатларига қараб белгиланади.

Словенияда – автомагистрал ва тезорар йўлларнинг 464,7 километр масофасидан фойдаланиш учун 2008 йил 1 июль ҳолатига қўра, автомобиль йўллари ва тезорар йўлларда рўхсат этилган максимал оғирлиги 3,5 тонна бўлган барча транспорт воситалари учун пуллик стикерлардан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

Испанияда – пуллик йўллар битта тармоққа уланган. Шунинг учун сиз кириш учун чипта олишингиз ва йўлдан чиқишда тўлашингиз керак. Техник жиҳатдан, барча йўллар ҳукуматга тегишли, аммо пуллик йўллар давлат концессияси остида хусусий компаниялар томонидан қурилади ва таъмирланади. Лекин концессия муддати тугагач, йўл давлат мулкига қайтарилади. Пуллик йўллар испанча автописталар деб аталади.

Туркияда – йўл ҳақи Отайўл ёки Карайўл деб аталадиган баъзи автомагистралларда олинади. Бу уч хил тизим томонидан амалга оширилади. Ҳар бир пуллик йўлда учта тўлов усули учун қаторлар мавжуд.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Тажриба тежамкорликка асос бўлмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Газ таъминотида рақамлаштириш технологиясини қўллаш мақсадида тажриба тарихисида Хоразм вилоятининг Шовот ва Тошкент вилоятининг Паркент туманларида синовлар бошланган эди.



Қувонарлиси, бугун ана шу тажриба нафақат ўзини оқлади, балки тизимдагилар қаторида истеъмолчилар учун ҳам қўллаб қўлайликларга эга экани маълум бўлди. Тежамкорлиқни таъминловчи бу янгилик эндиликда барча вилоятларда қўлланилмоқда. Хусусан, Жиззах вилоятини ҳам автоматлаштирилган маҳалла истеъмол назорат-ҳисоб баланси жорий қилиниб, дастлабки жараён 13 та шаҳар ва туманда биттадан намунали маҳаллалардан бошланган эди. Намуна тарихисида Жиззах шаҳридаги Хамид Олимжон номи маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларни икки босқичли тизимга ўтказиш ҳисобига маънан эскирган юқори босимли газ тақсимлаш пунктларини замонавий қурилмага алмаштириш, 0,7 километр ер ости газ қувурларини ер устига чиқариш, тармоқларга 6 та филтер ўрнатиш ва 6 дона зулфин ҳамда жумракларни алмаштириш, 197 та ностандарт жиҳоз ўрнига энерготежамкор газ ёндиргич қўйиш, 2,8 километрдан ортиқ қувурларни тартибга келтириш ишлари амалга оширилди. Амалий ишлар натижасида 91,1 минг метр куб табиий газ тежалди.

“Нудудгаз Жиззах” газ таъминоти филиали бош муҳандиси Баҳодир Холиқовнинг таъкидлашича, рақамлаштириш технологиясининг афзаллик ҳамда қўлайликлари кўп экан. Энг аввало, у тежамкорликка асосланган бўлиб, аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз манбаа билан таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Яъни, ёниқ қолган газ ускунаси автоматик тарзда тармоқдан узиб қўйилади. Бугунги кунда вилоят ҳудудларидаги қўллаб истеъмолчилар янги технология қувватидан самарали фойдаланмоқда.

Маънан эскирган юқори босимли газ тақсимлаш пунктлари ўрнида рақамлаштириш технологиясини қўллаш ишлари шу кунларда Бахмал, Ғаллаорол ва вилоятнинг энг чекка ҳудудларида жойлашган туманларда ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тизим замонавий технологиялар билан тўлиқ таъминланса, биргина Жиззах вилоятининг ўзида миллионлаб куб истеъмол учун муҳим манба тежалди. Бу республика миқёсида ҳисоблаб кўрилса, у қанча миқдорга етишини тасаввур қилиш қийин бўлмас керак.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил май ойининг 6-8 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари **Давронжон Адиллов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиги **Ботбирбек Баширов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Мониторинг ва назорат бўлими бош мутахассиси **Эркин Шанизов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ва атамалар бўлими бош мутахассиси **Шахриёр Мансуров**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси фарроши **Феруза Миркомиллова**,

“Ўзғирсеаноатлоийҳа” АЖ ООРТ муҳандиси **Асомжон Хушмуродов**, ОИСК етакчи муҳандиси **Фарҳод Қаюмов**, ОИСК муҳандиси **Абдухалил Ҳасанов**,

“O'zshaharsozlik LIT” ДМ техник бўлими 1-тоифали мутахассиси **Орзухон Султанова**, тизимли таҳлил, назорат ва хатлар бўлими бош мутахассиси **Абдулфур Абдуллаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Раънохан Патуллаева**,

Андижон вилояти Избоскан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Муслимбек Инобидинов**, Пахтаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Бекзод Мамасолиев**,

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

TANLOVDA ISHTIROK ETISH UCHUN TAKLIFNOMA

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 2024-yil 9-oktabrdagi tegishli farmoyishiga muvofiq, Toshkent shahar hokimligi “Yagona buyurtmachilik xizmati” injiniring kompaniyasi buyurtmachiligida **“Toshkent shahar, Yashnabod tumani, Aviasozlar ko'chasi, 1-uy manzilida joylashgan “Ma'naviyat va ma'rifati markazi” binosini rekonstruksiya qilish” (keyinchalik “Obyekti” deb yuritiladi)** ishlarni amalga oshirish, bunda pudratchilarni ichki tanlov orqali eng yaxshi takliflar asosida aniqlash belgilangan.

Shu sababdan, Sizlarni ichki tanlovda ishtirok etishga hamda o'z taklifingizni taqdim etishingizni so'raymiz.

Tanlashni o'tkazish shakli: Eng yaxshi takliflarni tanlash orqali aniqlanadi.

Ishning batafsil tavsifi: “Toshkent shahar, Yashnabod tumani, Aviasozlar ko'chasi, 1-uy manzilida joylashgan “Ma'naviyat va ma'rifati markazi” binosini rekonstruksiya qilish”.

Boshlang'ich narx: 162 242 074 651 so'm QQS bilan.

Ishlarni tugallash muddati: 240 kun.

Tanlash o'tkaziladigan joyning manzili: Toshkent sh., I. Karimov k., 16 “A” uy, 409-xona.

Quyidagi ishtirokchilarga tanlov savdolarida ishtirok etishga ruxsat berilmaydi:

- qayta tashkil etilish (bo'linish, qo'shilish), tugatish yoki bankrotlik arafasida turganlar;
- mol-mulki musodaraga olinganlar hamda muassislik kelishuv, moliyaviy ishtirok, xolding va boshqa shaklda ifodalangan bevosita tashkiliy-huquqiy yoki bir-biriga moliyaviy qaramligi mavjudlar;
- Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi tomonidan yuritilayotgan elektron reytingda ko'rsatkichlari mavjud bo'lmagan tashkilotlar.

Qo'shimcha ma'lumotlarni quyidagi manzildan olishingiz mumkin:

Toshkent shahri, I. Karimov ko'chasi, 16-“A” uy, 409-xona. **Telefon:** 71-239-17-50.

Takliflarni topshirishning oxirgi muddatlari: 2025-yil 13-may soat 11.00 ga qadar.

Taklifni manzilga chiqib o'rgangan holda berishingizni so'raymiz, bunda taklif muhlangan konvertida bo'lishi va quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim, jumladan: **obyekt bo'yicha ishlarni bajarishga narx taklifi, kafolat xati, budget va budjetdan tashqari maqsadli jam'armalar oldida soliq qarzi yo'qligi haqidagi ma'lumotnoma (Soliq qo'mitasi tomonidan QR kodli hamda tanlov o'tkazish davrida olingan bo'lishi lozim).**

Tanlov hujjatlarini va namunalarni elektron ko'rinishda taqdim etiladi.



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Эмүродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусоҳҳих **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирилик,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “УзАГШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).

E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 541.
2006 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳои келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
кечган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида теририди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифати чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 22.25.
Тошпириди – 23.00.